

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 3 » **ОКТЯБРЬ** 20**18** у.

№ **789**

Toshkent sh.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан
бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан
қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармонига мувофиқ ҳамда давлат хизматларининг кўрсатилишида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни янада бартараф этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2018 йил 15 октябрдан давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилиш бўйича тартиб бекор қилинсин:

а) қуйидаги фактларни тасдиқловчи:

шахснинг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги;

шахснинг ишсизлиги;

болани, ёлғиз шахсларни, пенсионерларни ва ногиронларни парвариш қилганлиги ҳақида;

б) шахснинг тавсифномаси.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилиши жараёнида шахснинг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги ҳамда унинг ишсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш зарурияти туғилганда, давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур маълумотларни тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги органларидан мустақил равишда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали сўраб олади.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида оила таркиби, шу жумладан қариндошлик даражаси ва фуқаронинг оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотлар давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тўғридан-тўғри фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан мустақил равишда сўраб олинади.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига икки ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқловчи ҳужжатларни, уларни бериш аниқ муддатларини ва бепуллигини назарда тутган ҳолда, фуқароларга тақдим қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Белгилансинки, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 2018 йил 15 октябрдан бошлаб кучга киради.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 октябрь 789-сон
қарорига илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги низомнинг 9-бандининг “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари 37-бандининг “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2008 й., 24-25-сон, 226-модда) билан тасдиқланган Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисидаги низомнинг 6-бандида:

а) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) олтинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг бешинчи хатбошисидан “ёки яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларининг” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг учинчи хатбошисидан “ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом 6-бандининг “в” кичик бандидан “ногирон боланинг ва 16 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахснинг яшаш жойини тасдиқлайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги 174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом 31-бандининг

“б” кичик бандидан “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси ёки” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-бандда:

“д” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

“н” кичик бандидан “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган ногирон бола 8 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 13-банднинг еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 14-банднинг ўн биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 16-банднинг “в” кичик бандидан “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган ариза берувчи яшаш жойи бўйича бир ўзи яшаши (рўйхатдан ўтказилганлиги) тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 25-банддан “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган ариза” деган сўзлар “ички ишлар органлари томонидан берилган маълумотнома” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 65-банднинг тўртинчи хатбошисидан “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотлар ва қараб турилган шахслардан” деган сўзлар “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларидан ва шахслардан сўраб чиқиш” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон “Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 77-модда):

а) 1-илова 20-бандининг 7-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-илова 17-бандининг 7-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил 6-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Болаларни Болалар уйига қабул қилиш учун ҳужжатлар Низомга 1-илова 12-бандининг иккинчи хатбошисидаги “оила таркиби тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома” сўзлари “оила таркиби тўғрисида маълумотнома” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 81-модда) билан тасдиқланган Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига ўқувчиларни танлов асосида танлаб олиш тартибининг 7-бандида:

а) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) олтинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 91-модда) билан тасдиқланган Ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисида Низом 8-бандининг “г” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларининг 17-бандида:

а) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ҳисобга олиш асбоблари билан таъминланмаган истеъмолчилар томонидан сарфланган сув ҳажмини аниқлаш учун зарур булган доимий ва вақтинчалик истикомат килувчилар сони ҳақидаги маълумотлар ИСКХ ташкилоти томонидан истеъмолчининг яшаш жойи буйича ички ишлар органларидан мустақил равишда сураб олинади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 342-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва хомийлик тўғрисидаги Низомда:

а) 60-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Васийлик ёки хомийлик белгиланишига мухтож булган шахсларга васий ёки хомий булиш истагини билдирган шахсларнинг тавсифномаларини, уларнинг яшаш жойидаги фуқароларнинг узини узи бошқариш органларидан сураб олади”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 74-банднинг иккинчи хатбошисидан “яшаш жойидаги фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотнома ва тавсифнома” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 80-бандда:

“ж” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“з” кичик бандидан “ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 81-бандда:

“е” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“ж” кичик бандидан “ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 82-банднинг “г” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 130-модда) билан тасдиқланган 1941 - 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисида Низом 13-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“I гуруҳига кировчи уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ўзларига ҳамроҳлик қилувчи шахснинг паспорт нусхасини ҳам тақдим этадилар”.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Олий маҳорат спорт мактабига спортчиларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом 7-бандининг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 августдаги 681-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 35-сон, 932-модда) билан тасдиқланган “Касаначилиқни қўллаб-қувватлаш бўйича Консорциум” МЧЖ томонидан заём бериш тартиби тўғрисида Низом 12-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.